

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АНВАРОВ ЖАВОҲИР ОЛИМЖОН ЎҒЛИ

**ТОМИР ИЧИ ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА
КОРОНАР АРТЕРИЯЛАРНИНГ БИФУРКАЦИОН СТЕНОЗЛАРИНИ
СТЕНТЛАШ ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Анваров Жавохир Олимжон ўғли

Томир ичи текширув усулларидан фойдаланган ҳолда коронар
артерияларнинг бифуркацион стенозларини стентлаш тактикасини
оптималлаштириш..... 3

Анваров Жавохир Олимжон угли

Оптимизация тактики и улучшение результатов стентирования
бифуркационных поражений коронарных артерий с применением
внутрисосудистых методов исследования 25

Anvarov Javokhir Olimjon ogli

Optimization tactics of stenting bifurcation lesions of coronary arteries by
using intravascular research methods 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АНВАРОВ ЖАВОҲИР ОЛИМЖОН ЎҒЛИ

**ТОМИР ИЧИ ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА
КОРОНАР АРТЕРИЯЛАРНИНГ БИФУРКАЦИОН СТЕНОЗЛАРИНИ
СТЕНТЛАШ ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib3083 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» Ахборот -таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Зуфаров Миржамол Мирумарович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Алимов Дониёр Анварович тиббиёт фанлари доктори, профессор Асамов Равшан Эркинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “А.В. Вишневский номидаги Хирургия Миллий тиббий тадқиқот маркази” Федерал давлат бюджет ташкилоти

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат ____ даги йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт маркази).

Диссертация иши билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (162 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил “_____” _____ даги _____ рақамли тарқатиш реестри баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) бутун дунё бўйлаб ўлимнинг асосий сабабчиси ҳисобланади. «Ушбу патология билан 126 миллионга яқин киши азият чекмоқда, бу эса умумий аҳоли сонининг тахминан 1,72% ни ташкил қилади»¹. Шу билан бирга, ЮИК глобал тарқалиши ўсиб бормоқда ва мутахассисларнинг фикрига кўра, касалланишнинг жорий даражаси ҳозирги кунда ҳар 100 000 аҳоли сонига 1655 ҳолатни ташкил қилади, 2030 йилга бориб эса, 1845 ҳолатга ортади. Касаллик аёлларга қараганда эркакларда кўпроқ учраб, одатда ҳаётнинг тўртинчи ўн йиллигида бошланади ва ёшга қараб ортиб боради. Интервенцион кардиологиянинг мураккаб бўлимларидан бирига коронар артерияларнинг (КА) бифуркацион стенози (БС) бўлган беморлар киради. Барча тери орқали коронар аралашувларнинг умумий ҳисобининг 15-20% ни ушбу тоифа ташкил қилади. Бифуркациянинг ён шохларни оптимал даволаш, «шу жумладан, шошилиш даволашнинг клиник аҳамияти ва чегараларини баҳолаш»² бўйича мунозаралар давом этмоқда. Интракоронар визуализация – тасвирдан фойдаланиш БС даволашда муҳим ва истиқболли жиҳат ҳисобланади. Томир ичи ултратовуш текшируви ва оптик когерент томография билан боғлиқ масалалар бўйича бир қатор ҳужжатлар чоп этилган, бироқ ҳалигача ҳал қилинмаган бир қатор муаммолар мавжуд. Шу муносабат билан, КА бифуркацион стенозида визуализация ва аниқ ташхис қўйиш соҳасида кейинги тадқиқотларга эҳтиёж бор.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда хавф омиллари сабабларини яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган, улар асосида ётган биологияни аниқлайдиган ва янги терапевтик воситаларни ишлаб чиқишга қаратилган генларни кетма-кетлаштириш бўйича тадқиқотлар энг долзарблигича қолмоқда, ўз навбатида, кейинги генетик тестлар ЮИК ривожланиш хавфи юқори бўлган ёки маълум бир патофизиологияга эга беморларнинг кичик гуруҳларини аниқлаш орқали прецизион – аниқ тиббиёт ёндашувларидан фойдаланишга имкон беради, ушбу беморлар учун терапевтик ёки профилактик ёндашув энг фойдали бўлиши мумкин, чунки симптоматик беморларда обструктив пиллакчалар аниқланмаган бўлса ҳам, уларда яққол ифодаланган стеноз бўлмаган коронар атеросклероз ва микроваскуляр ишемия жиддий юрак-қон томир ҳодисалари частотасининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари консерватив ва хирургик даволаш ҳамда профилактиканинг илғор технологияларини жорий этиш орқали ЮИК билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга

¹Khan MA, Hashim MJ, et al. Global Epidemiology of Ischemic Heart Disease: Results from the Global Burden of Disease Study. *Cureus*. 2020 Jul 23;12(7):e9349. doi: 10.7759/cureus.9349.

²Burzotta F, Lassen JF, et al. Percutaneous coronary intervention for bifurcation coronary lesions: the 15th consensus document from the European Bifurcation Club. *Eurointervention*. 2021; 16:1307-17.

мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан томир ичи тадқиқот усуллари қўллаш ва операциянинг техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали КА бифуркацион стенозларини стентлаш натижаларини яхшилаш тадқиқотларнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, худудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЮИК ва депрессия ҳаёт тарзи сифатини сезиларли даражада ёмонлаштирадиган ва жамиятга оғир молиявий ташвишлар келтирадиган кенг тарқалган касалликлар ҳисобланади. Улар, шунингдек, кўпинча коморбид бўлиб, беморнинг аҳволини оғирлаштиради ва прогнозни ёмонлаштиради⁴. Яқинда ISCHEMIA натижалари нашр этилди, бу ерда ўртача ёки оғир ишемия билан оғриган беморлар ҳодисаларнинг юқори хавфига дуч келиши ва шунинг учун кам ифодаланган ишемия билан оғриган беморларга қараганда тўлиқ реваскуляризацияни ўз ичига олган инвазив даволаш стратегиясидан фойда олиш учун катта имкониятларга эга бўлиши асос бўлувчи негиз ҳисобланади. ЮИК энг оғир шакли бўлган кичик гуруҳда 4 йиллик ўлим кўрсаткичлари бўйича даволаш гуруҳлари ўртасида фарқ йўқ эди, бироқ юрак-қон томир касалликлари ёки миокард инфарктдан ўлим оқибатлари инвазив стратегия тайинланган иштирокчилар орасида пастроқ эди⁵. Stewart RAN ва ҳаммуал. (2017) ҳафтада иш соатлари вақтининг

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

⁴Wu Y, Zhu B, Chen Z, Duan J, Luo A, Yang L, Yang C. New Insights Into the Comorbidity of Coronary Heart Disease and Depression. *Curr Probl Cardiol.* 2021 Mar;46(3):100413. doi: 10.1016/j.cpcardiol.2019.03.002.

⁵Reynolds HR, Shaw LJ, Min JK, et al. Outcomes in the ISCHEMIA Trial Based on Coronary Artery Disease and Ischemia Severity. *Circulation.* 2021 Sep 28;144(13):1024-1038. doi: 10.1161/CIRCULATIONAHA.120.049755. *Circulation.* 2022 Jun 7;145(23):e1072.

метаболик эквивалентида одатий машқлар ҳажми ўртасидаги боғлиқлик ва STABILITY тадқиқотларида 39 мамлакатдан иштирок этган барқарор ЮИК бўлган жами 15486 нафар беморни 3,7 йиллик ўртача кузатув давридаги салбий оқибатларни баҳолади. ЮИК стабил кечиши мавжуд бўлган беморларда жисмоний фаолликнинг ошиши ўлим ҳолатининг пастлиги билан боғлиқ эди⁶. Янгиланган Кокрейнов таҳлили шуни кўрсатдики, ЮИК бўлган одамларни психологик даволаш, гарчи юрак касаллиги натижасида ўлим оқибати камайган ва психологик аломатлар (депрессия, ваҳима ёки стресс – руҳий зарба) енгиллашган бўлса-да, умумий ўлим ҳолати, реваскуляризация амлиётлари хавфи ёки ўлимга олиб келмайдиган миокард инфаркти частотасига таъсир қилгани ҳақида ҳеч қандай далил-исботлар мавжуд эмас⁷. Parikh P.V. (2021) таъкидлашича, беморларда тери орқали коронар аралашув (ТКА) қўлланилишига қарамай, ЮИК сезиларли даражада ортган деб ҳисоблайди, ва кўплаб кузатув тадқиқотлари шуни кўрсатдики, бу натижалар яхшиланганлиги билан боғлиқ, бироқ ТКА ва аортокоронар шунтлашнинг таъсири ёки клиник натижалар учун тавсияларга мувофиқ замонавий медикаментоз терапия ва юрак етишмовчилиги бўлган беморларда миокард тикланиши билан боғлиқ таъсирни таққослайдиган тасодифий маълумотлар мавжуд эмас⁸.

Бифуркация жойларида КА стенози тез-тез учрайди ва ҳозиргача интервенцион кардиологлар учун муаммо бўлиб қолмоқда. Гарчи сўнгги йилларда “провизор” стентлаш методикаси янада барқарор натижаларни кўрсатган бўлса-да, коронар бифуркацияларда аралашувлар ҳали ҳам амалиёт муваффақиятининг энг ёмон кўрсаткичи ва ўрта ва узоқ муддатли юрак асоратларининг ортишига эга. Томир ичи ултратовуш текшируви ва оптик когерент томография каби визуализация усулларида янада кенгрок фойдаланиш бифуркацияларнинг ҳақиқий анатомиясини яхшироқ тушунишга олиб келди ва ТКА оптималлаштириш учун аъло восита эканлигини кўрсатди⁹. Megaly M (2021) шунингдек, коронар бифуркацияларни даволаш ҳали ҳам техник қийинчиликлар ва субоптимал узоқ муддатли натижалар билан чекланган деб ҳисоблайди¹⁰. Шу билан биргаликда, коронар оқимнинг бифуркацион стенозида аралашувлар интервенцион кардиологиянинг энг мураккаб вазифаларидан бири ҳисобланади. Сўнгги тенденциялар стенознинг ушбу туридаги аралашувлар учун дори билан қопланган баллонлардан фойдаланишни фаол ўрганишга қаратилган. Бундай методикадан фойдаланиш

⁶Stewart RAH, Held C, Hadzi-osmanovic N, et al.; STABILITY Investigators. Physical Activity and Mortality in Patients With Stable Coronary Heart Disease. *J Am Coll Cardiol.* 2017 Oct 3;70(14):1689-1700. doi: 10.1016/j.jacc.2017.08.017.

⁷Richards SH, Anderson L, Jenkinson CE, Whalley B, Rees K, Davies P, Bennett P, Liu Z, West R, Thompson DR, Taylor RS. Psychological interventions for coronary heart disease. *Cochrane Database Syst Rev.* 2017 Apr 28;4(4):CD002902. doi: 10.1002/14651858.CD002902.pub4.

⁸Parikh PB, Bhatt DL, Bhasin V, Anker SD, Skopicki HA, Claessen BE, Fonarow GC, Hernandez AF, Mehran R, Petrie MC, Butler J. Impact of Percutaneous Coronary Intervention on Outcomes in Patients With Heart Failure: JACC State-of-the-Art Review. *J Am Coll Cardiol.* 2021 May 18;77(19):2432-2447. doi: 10.1016/j.jacc.2021.03.310.

⁹Elwany M, Palma GD, Cortese B. Treatment of coronary bifurcation lesions: current knowledge and future perspectives. *Future Cardiol.* 2018 Mar;14(2):165-179. doi: 10.2217/fca-2017-0068.

¹⁰Megaly M, Rofael M, Saad M, Shishehbor M, Brilakis ES. Outcomes With Drug-Coated Balloons for Treating the Side Branch of Coronary Bifurcation Lesions. *J Invasive Cardiol.* 2018 Nov;30(11):393-399.

яхши ангиографик натижалар олинганда коронар артерия бифуркацияси жойларида стентларни имплантация қилиш билан боғлиқ хавф-хатарларни минималлаштириш - камайтиришга имкон беради¹¹. Оптик когерент томографиядан фойдаланиш ва қон оқимининг фракцион захирасини ўлчашнинг амалий ва клиник аҳамияти оддий стенозли беморлар билан ўтказилган тадқиқотларда ўрганилган. Ушбу тадқиқотлар натижалари улардан фойдаланиш кўрсаткичларини кенгайтди, эндоваскуляр аралашув тактикасини оптималлаштирди ва стентлашни баҳолашнинг янги мезонларини ишлаб чиқишга имкон берди. Коронар бифуркация аралашуви пайтида томир ичи визуализацияси ва физиологияси, шу жумладан оптик когерент томография ва қон оқимининг фракцион захираси стеноз ҳақида аниқ анатомик ва морфологик маълумотларни олиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу усуллар бифуркацион стенозда аралашувни оптималлаштириш учун муҳимдир¹².

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ЮИК ташхислаш ва даволашда сезиларли даражада ютуқларга эришилганига қарамай, муваффақият даражаси нисбатан пастлиги сабабли бифуркацион стенозда ТКА, ҳатто янги авлод дори воситалари билан қопланган стентлаш даврида ҳам бифуркацион стеноз билан таққослаганда процессуал асоратларнинг юқори частотаси ва ёмон клиник натижалар ҳали ҳануз бир-бирига зид мунозарали масалалигича қолмоқда. Шунингдек, операциядан кейинги даврдаги эрта ва кеч асоратлар ва беморлар ҳаёт тарзи сифатини танқидий таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда стенозни баҳолаш, асбобларни танлаш, даволаш стратегиялари муҳим аҳамиятга эга муаммолигича қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ AL-492105342-сон “Юрак ишемик касаллигида коронар артерияни стентлаш ва аорткоронар шунтлаш операциялари учун персоналлаштирилган диагностика алгоритми асосида яшовчанлик лаёқатига эга миокардни юқори сезувчанлик даражасида прогнозлаштириш технологиясини ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда коронар артерияларнинг бифуркацион стенозида оптик когерент томографияни қўллаш ва қон оқимининг фракцион захирасини аниқлаш орқали эндоваскуляр аралашув натижаларини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коронар артериянинг бифуркацион стенозида интраоператив ташхислаш ва ТКА натижаларини баҳолашда томир ичи тадқиқот усуллари (ОКТ ва ФРК) аҳамиятини тадқиқ этиш;

¹¹Kuropij TS, Utegenov RB, Khelimskii DA, Badoian AG, Éraliev TK, Krest'ianinov OV. Use of drug-coated balloons for interventions on bifurcation lesions of coronary arteries. *Angiol Sosud Khir.* 2021;27(3):46-52.

¹²Takagi K, Nagoshi R, Kim BK, Kim W, Kinoshita Y, Shite J, Hikichi Y, Kim SJ, Murasato Y. Efficacy of coronary imaging on bifurcation intervention. *Cardiovasc Interv Ther.* 2021 Jan;36(1):54-66.

томир ичи диагностика усуллари қўлланилган беморлар гуруҳида ТКА бевосита натижаларини анъанавий коронар ангиография билан қиёсий жиҳатдан ўрганиш;

томир ичи диагностика усуллари қўлланилган беморлар гуруҳида ТКА узоқ муддатли натижаларини анъанавий коронар ангиография билан қиёсий жиҳатдан ўрганиш;

коронар артерия бифуркацион стенози диагностикаси ва интервенцион даволаш тактикаси алгоритмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасасида коронар артерияларнинг бифуркацион стенози туфайли эндоваскуляр аралашувлар бажарилган 104 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети коронар артериялар бифуркацион стенозида интраоператив асоратлар хавф омиллари ривожланишини аниқлаш билан эндоваскуляр даволашнинг оптималлашган тактик ва техник жиҳатлари самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, инструментал, лаборатор, махсус (оптик когерент томография ва қон оқимининг фракцион захираси) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

томир ичи текширув усуллари ёрдамида коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларини эндоваскуляр аралашувнинг тури ва ҳажмини аниқлаш учун зарур бўлган анатомик, физиологик ва морфологик хусусиятлари аниқлаштирилган;

коронар артерияларнинг бифуркацион зарарланишлари бўлган беморларда тери орқали коронар аралашувнинг энг мақбул техникасини танлашда қон оқимининг фракцион захирасини ўлчаш ён шохчанинг диссекция частотасини сезиларли даражада камайтириши исботланган;

оптик когерент томография ёрдамида коронар артерияларни бифуркацион стентлашда техник муваффақиятсизликларнинг ва интраоперацион асоратларнинг башорат қилувчи асосий омиллари аниқланган;

коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларини реваскуляризация қилишнинг турли усуллари қўллашда стентнинг қониқарли ангиографик натижаси каби кўринган беморларда “номақбул имплантация” ни башоратлаш имконини берувчи салбий оқибатлар предикторлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оптик когерент томография ва қон оқимининг фракцион захирасини ўлчаш ёрдамида коронар артерияларни эндоваскуляр текшириш бажариш жиҳатидан осон, ахборотли ва кам жароҳатли эканлиги аниқланган;

бифуркацион стенозни коррекциялашда бир қатор техник усуллардан фойдаланиш бўйича коронар артерияларни мураккаб стентлашни амалга

оширишда клиник амалиётга жорий этиш мумкин бўлган тавсиялар таклиф этилган;

коронар артериялар бифуркацион стенозида асосий шохни стентлашдан кейин қон оқимининг фракцион захирасини аниқлаш орқали ён шохлар стенозини комплекс баҳолашнинг такомиллаштирилган алгоритми ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиши ва интраоперацион асоратлар частотасини сезиларли даражада камайтириши исботланган;

таклиф этилган тактик ёндашувлар бифуркацион стенозни коррекциялаш натижаларини яхшилаши, эндоваскуляр коррекциянинг энг оптимал усулини танлашнинг такомиллаштирилган алгоритми эса интраоперацион ва операциядан кейинги асоратлар частотасини камайтириш имконини бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, реваскуляризациянинг турли усулларидан фойдаланилганда салбий оқибатларни прогностлаштиришни аниқлаш орқали коронар артериялар бифуркацион стенози бўлган беморларни хирургик даволашнинг техник жиҳатларини такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшганлиги, бу эса стентнинг “номақбул имплантация”сини башоратлаш ва аралашувдан кейин салбий юрак ҳодисалари частотасини камайтиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида томир ичи диагностика усуллари ёрдамида эндоваскуляр коррекциянинг энг оптимал усулини танлаш имконини берувчи ён шохлар стенозини комплекс баҳолаш алгоритми такомиллаштирилганлиги, бу эса охир оқибат, интраоперацион дисекциялар частотаси, қўшимча эндоваскуляр аралашувларга бўлган эҳтиёж ва узоқ муддатли даврда стенокардиянинг қайталанишини камайтиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» эксперт кенгашининг 2023 йил 7 июндаги 2х/6 сон хулосасига кўра («Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ томонидан илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 07.06.2023й., №479 сонли хат юборилган):

коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларининг анатомик, физиологик ва морфологик хусусиятларини ҳисобга олиш, эндоваскуляр аралашувнинг тури ва ҳажмини аниқлаб, амалиёт вақтидаги, яқин ва узоқ муддатли кузатув давридаги натижаларни такомиллаштириб, юзага келиши мумкин бўлган асосий салбий юрак ҳодисалари частотасини камайтиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий

маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруғи (01.06.2023й.; №477) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эндоваскуляр аралашувлардан кейин юзага келиш мумкин бўлган асоратлар сонини минималлаштириш; амалиётдан кейинги реабилитация сифатини ошириш; беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва меҳнат фаолиятига қайтариш; узоқ муддатли кузатув даврида асосий салбий юрак ҳодисалирини 11,1% дан 2% гача камайиши. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: томир ичи текширув усулларида фойдаланиш ҳисобига 1 нафар беморда қайта амалиёт ўтказишдан 20 197 800 сўм (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ прејскурантига кўра) иқтисод қилинди (тажрибага кўра 11,1% беморларда қайта эндоваскуляр аралашувлар ўтказилади). Қайта эндоваскуляр аралашувлар даражаси 11,1% дан 2% гача камайган, 54 нафар бемордан қайта аралашувлар 6 нафардан 1 нафаргача камайтирилди, демак 1 нафар бемордан 20 197 800 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 100 989 000 сўмни ташкил этади (5 нафар бемор учун). Хулоса: томир ичи текширув усулларида фойдаланишни амалиётга жорий қилиниши 1 йилда 100 989 000 сўмни иқтисод қилиш имконини берди, шундан 60 593 400 сўм бюджет маблағлари, 40 395 600 сўм бюджетдан ташқари маблағлар. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Томир ичи текшируви усулларида фойдаланган ҳолда коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларини стентлаш тактикасини оптималлаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 01.06.2023й.; №479 сонли хат юборилган;

коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларида асосий артерияни стенташдан сўнг, ён шохчада қон оқимининг фракцион захирасини аниқлаш қўшимча амалиётларни, жумладан баллон ангиопластикаси ва ундан кейин юзага келиши мумкин бўлган томир диссекцияси хавфини ва мажбурий стентлаш амалиётини олдини олади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруқ (01.06.2023й.; №477) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эндоваскуляр амалиётлар вақтида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва унинг натижасида мажбурий қўшимча аралашувлар частотасини камайтириш; эндоваскуляр амалиётлар техникасини такомиллаштириш; ангиография протоколига коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларида ён шохчада қон оқимининг фракцион захирасини ўлчашни киритилиши ён шохчанинг ангиопластикасини 48,7% га ва стентлаш частотасини 10,25% га қисқартирди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: томир ичи текширув усулларида фойдаланиш ҳисобига 1 нафар бемордан бифуркацион стенозларни эндоваскуляр даволаш вақтида қўшимча баллон ангиопластикаси учун 801 500 сўм (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ

прейскурантига кўра), мажбурий стентлаш амалиёти учун 2 300 000 сўм (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ прейскурантига кўра) иқтисод қилинди. 39 нафар бемордан баллон ангиопластикаси 19 нафарида бажарилди, демак 1 нафар бемордан 801 500 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 16 030 000 сўмни ташкил этади (20 нафар бемор учун). 39 нафар бемордан стентлаш 4 нафарида бажарилди, демак 1 нафар бемордан 2 300 000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 80 500 000 сўмни ташкил этади (35 нафар бемор учун). Хулоса: томир ичи текширув усулларида фойдаланишни амалиётга жорий қилиниши 1 йилда қўшимча баллон ангиопластикаси учун 16 030 000 сўмни, иқтисод қилиш имконини бериб, шундан 9 618 000 сўм бюджет маблағлари, 6 412 000 сўм бюджетдан ташқари маблағлар; мажбурий стентлаш амалиёти учун эса 1 йилда 80 500 000 сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 46 000 000 сўм бюджет маблағлари, 34 500 000 сўм бюджетдан ташқари маблағлар. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Томир ичи текшируви усулларида фойдаланган ҳолда коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларини стентлаш тактикасини оптималлаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 01.06.2023й.; №479 сонли хат юборилган;

коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларида эндоваскуляр амалиёт ўтказиш вақтида оптик когерент томографиядан фойдаланиш коронар артериянинг 3 ўлчамли тасвирини намоиш этади, бунда йўналтирувчи сим асосий қон томирдаги стентнинг проксимал ёки дистал катакчасидан ўтканлиги аниқланади, бу эса ўз навбатида ён шохчада адекват баллон ангиопластикаси ва стентлаш амалиётини бажариш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруқ (01.06.2023й.; №477) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги кўйидагилардан иборат: эндоваскуляр амалиётлар вақтида, яқин ва узоқ даврдаги муддатда юзага келиши мумкин бўлган асоратларни камайтиради ва амалиёт натижаларини такомиллаштиради; бифуркацион стенозларда томир ичи текширув усулларида фойдаланиш амалиёт вақтидаги асоратларни 16,7% дан 4% га камайтирди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Эндоваскуляр амалиёт вақтида 1 нафар беморда юзага келган асоратларни бартараф этишга 3 101 500 сўм (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ прейскурантига кўра) сарфланди (тажрибага кўра 16,7% беморларда эндоваскуляр амалиёт вақтида асоратлар кузатилди). Томир ичи текширув усулларида фойдаланиш ҳисобига асоратлар даражаси 16,7% дан 4% гача камайди, 54 нафар бемордан асоратлар 9 нафардан 2 нафаргача камайтирилди, демак 1 нафар бемордан 3 101 500 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 21 710 500 сўмни ташкил этади (7 нафар бемор учун). Хулоса: томир ичи текширув усулларида фойдаланишни амалиётга жорий қилиниши амалиёт вақтидаги асоратлар юзага келишини камайтириб, 1 йилда 21 710 500

сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 12 406 000 сўм бюджет маблағлари, 9 304 500 сўм бюджетдан ташқари маблағлар. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Томир ичи текширув усулларида фойдаланган ҳолда коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларини стентлаш тактикасини оптималлаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 01.06.2023й.; №479 сонли хат юборилган.

коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларини реваскуляризация қилишнинг турли усуллари қўллашда салбий оқибатларни башорат қилувчи омиллар аниқланди, бу эса стентнинг қониқарли ангиографик натижаси кўринган беморларда “номақбул имплантация” ни башоратлаш имконини беради. Илмий янгиликнинг аҳамияти: оптик когерент томография ёрдамида стентлаш амалиётидан кейинги олинган тасвирлар ёрдамида стентнинг “номақбул имплантация” мезонлари аниқланди ва баллон ангиопластикаси бажариш билан бартараф этилди, бу эса ўз навбатида натижаларни такомиллаштиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруқ (01.06.2023й.; №477) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эндоваскуляр амалиётлардан узоқ даврдаги муддатда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар (томир тромбози, ўрнатилган стентларнинг торайиши) частотасини камайтириш; Оптик когерент томографиядан фойдаланиш стентлар диаметрини 18,9% га кенгайтириш имконини берди, бу эса узоқ муддатли даврда ўрнатилган стентларнинг қайта торайишини 9,25% дан 2% га камайтириш имконини берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: оптик когерент томографиядан фойдаланиш 1 нафар бемор учун узоқ муддатли кузатув даврида юзага келган стент ичи торайиши сабабли қайта амалиёт ўтказишга кетадиган сарф-харажатларни 15 097 000 сўмга (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ преискурантига кўра) иқтисод қилди. Узоқ муддатли даврда юзага келган стент ичи торайишини 7% га камайтириб, 54 нафар бемордан 5 нафаридан 1 нафаргача камайтирилди, демак 1 нафар бемордан 15 097 000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 60 388 000 сўмни ташкил этади (4 нафар бемор учун).

Хулоса: томир ичи текширув усулларида фойдаланишни амалиётга жорий қилиниши 1 йилда 60 388 000 сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 45 291 000 сўм бюджет маблағлари, 15 097 000 бюджетдан ташқари маблағлар. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Томир ичи текширув усулларида фойдаланган ҳолда коронар артерияларнинг бифуркацион стенозларини стентлаш тактикасини оптималлаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 01.06.2023й.; №479 сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва талабгирлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилик эканлиги ва илмий-амалий аҳамияти кўрсатиб ўтилган, иш натижаларини апробация қилиш ва нашр этиш, диссертациянинг кўлами ва тузилиши тўғрисидаги қисқача маълумотлар тақдим этилган.

Диссертация ишининг «**Коронаростенозни ташхислаш ва эндоваскуляр даволашнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи боби бешта кичик бобдан иборат бўлиб, унда адабиётлар шарҳи келтирилган, ушбу шарҳларда стенозланган артерияларни даволаш учун эндоваскуляр аралашув масалалари акс эттирилган, ушбу йўналишда муваффақият даражаси паст бўлганлиги сабабли бифуркацион стенозларни стентлаш муаммоси бўйича етакчи мутахассисларнинг маълумотлари баён қилинган. Бўлим охирида қўшимча тадқиқотларни талаб қилувчи мунозарали масалалар келтирилган.

«**Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари**нинг умумий таърифи» деб номланган иккинчи боби беморларнинг умумий хусусиятлари, шунингдек, қўлланилган тадқиқот усулларига бағишланган. Тадқиқот материали бўлиб 2016 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт маркази” Давлат муассасасининг интервенцион кардиология, аритмология ва эндоваскуляр жарроҳлик бўлимларида ЮИК – юрак ишемик касаллиги ташхиси билан даволанган 104 нафар хизмат қилади, ушбу беморларнинг коронарографиясида КА бифуркацион стенози аниқланган. Тадқиқотга эркаклар ва аёллар ёш чекловларисиз киритилган. Тадқиқотга беморлар қуйидаги мезонлар бўйича киритилган: кардиологларнинг Канада таснифига кўра стенокардиянинг II, III ва IV функционал синфлари; ўткир ости босқичдаги миокард инфаркти; КА барча ҳавзаларидаги бифуркацион стеноз, бунда ён шоҳлар диаметри камида 2,25 мм бўлиши керак. Беморларни тадқиқотдан чиқариб ташлаш учун қуйидагилар мезон бўлган: ўнг коронар артерия ва чап коронар артериянинг ўзагидаги торайиш; КА яққол ифодаланган кальциноз ва ҳалқа шаклида ўралиши;

коронар артерияларнинг “сохта” бифуркацион стенози (Medina таснифи бўйича 0:0:1 тури); анамнезда аортокоронар шунтлаш операцияси.

Тадқиқот беморлари икки гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳ (n=50) ва иккинчи гуруҳ (n=54). Иккала гуруҳда ҳам эркак беморлар устунлик қилди: 35 нафар (70%) биринчи гуруҳда ва 39 нафар (72,2%) иккинчи гуруҳда. Беморларнинг биринчи гуруҳдаги ўртача ёши $61,0 \pm 9,8$ ёшни, иккинчи гуруҳда – $61,7 \pm 7,9$ ёшни ташкил қилди. Стенокардия ФС III ташхиси бириччи гуруҳдаги 28 нафар (56%) ва иккинчи гуруҳда 30 нафар (55,6%) беморга қўйилган. ЮИК хавф омиллари орасида гипертония касаллиги биринчи гуруҳдаги 45 нафар (90%) ва иккинчи гуруҳдаги 40 нафар (74%) беморларда учради. NYHA бўйича сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) III синфи биринчи гуруҳнинг 25 нафар (50%) беморлари ва иккинчи гуруҳнинг 30 нафар (55,6%) беморларида ЮИК энг кўп аниқланган асорати ҳисобланди.

Коронарография Philips (Нидерландия) фирмасининг «Allura FD 20» рақамли ангиография қурилмасида амалга оширилди. 97% ҳолатларда трансрадиал киришдан, 3% ҳолатларда эса трансфеморал киришдан фойдаланилган. Тасвирлар секундига 7,5 ва 15 кадрда суратга олинган. Артерияларнинг миқдорий таҳлили миқдорий коронар таҳлил (МКТ) учун ўрнатилган интегрлашган компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди, артериянинг референс диаметри, томирнинг шикастланиш узунлиги, ёруғликнинг минимал майдони, ёруғликнинг минимал диаметри, ёруғликнинг майдон ва диаметр бўйлаб торайиш даражаси аниқланган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Тадқиқотнинг бевосита натижалари**» тақдим этилган. Коронар ангиография ўтказилгандан кейин, барча беморларда бифуркацион стеноз таҳлил қилинди, асосий артериялар ва унинг ён шохларининг морфометрик параметрлари МКТ ёрдамида ўлчанди. МКТ бўйича асосий артерия бифуркацион стенознинг морфометрик кўрсаткичлари жадвалда кўрсатилган (1-Жадвал). МКТ бўйича асосий артерия ва унинг ён шохларининг асосий морфометрик параметрларини ўлчаш натижалари ўрганилаётган гуруҳ беморлари орасида статистик аниқ ишончли фарқларни кўрсатмади. Ёруғликнинг диаметр бўйлаб торайиш даражаси ўртача 68% ни ташкил қилади, биринчи гуруҳда $67,51 \pm 6,39$ мм, иккинчи гуруҳда $69,32 \pm 7,17$ мм. Магистрал артериянинг шикастланишлари диффуз шикастланишларга тегишли эмас, гуруҳларда стенознинг ўртача узунлиги $22,1 \pm 5,77$ мм ни ташкил этади; иккинчи гуруҳда $22,34 \pm 4,66$ мм ва биринчи гуруҳда $21,85 \pm 4,16$ мм.

МКТни ўрганишда ён шохча миокардни қон билан таъминлашда функционал аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Биринчи гуруҳдаги беморларда ён шохчанинг ўртача референс диаметри иккинчи гуруҳдан сезиларли даражада фарқ қилмайди: $2,81 \pm 0,39$ мм қарама-қарши $2,84 \pm 0,32$ мм га. Шунингдек, гуруҳлар атеросклеротик шикастланиш узунлиги бўйича репрезентатив ҳисобланадилар: $8,58 \pm 3,95$ мм биринчи гуруҳда ва $8,35 \pm 1,99$ мм иккинчи гуруҳда. Ўзаро мос равишда, ёруғликнинг диаметр бўйлаб торайиш даражаси 40% ни ташкил қилади, биринчи гуруҳда $39,28 \pm 16,07$ мм, иккинчи гуруҳда $41,57 \pm 15,81$ мм.

1-Жадвал**Бифуркация асосий артерияларининг МКТ қиёсий таҳлили**

Морфометрия параметрлари	Биринчи гуруҳ, n=50	Иккинчи гуруҳ, n=54	p
Референс диаметри, мм	3,15 ± 0,38	3,09 ± 0,27	>0,05
Ёруғликнинг диаметр бўйлаб торайиш даражаси, %	67,51 ± 6,39	69,32 ± 7,17	>0,05
Шикастланишнинг минимал диаметри, мм	1,88 ± 0,15	1,95 ± 0,19	>0,05
Ёруғликнинг минимал майдони, мм ²	2,79 ± 0,35	2,83 ± 0,17	>0,05
Шикастланиш узунлиги, мм	21,85 ± 4,16	22,34 ± 4,66	>0,05

Бифуркацион стеноз ён томон шохларининг миқдорий коронар ангиографияси ўрганилган гуруҳ беморлари орасида сезиларли фарқлар аниқламади. 2-Жадвалда ён шохнинг морфометриясини асосий параметрлари тақдим этилган.

2-Жадвал**Ўрганилаётган гуруҳларда бифуркация ён томон шохларининг МКТ натижалари**

Асосий морфометрик параметрлар	Биринчи гуруҳ, n=50	Иккинчи гуруҳ, n=54	p
Референс диаметри, мм	2,81 ± 0,39	2,84 ± 0,32	>0,05
Ёруғликнинг диаметр бўйлаб торайиш даражаси, %	39,28 ± 16,07	41,57 ± 15,81	>0,05
Шикастланишнинг минимал диаметри, мм	1,67 ± 0,25	1,75 ± 0,24	>0,05
Ёруғликнинг минимал майдони, мм ²	2,17 ± 0,31	2,09 ± 0,31	>0,05
Шикастланиш узунлиги, мм	8,58 ± 3,95	8,35 ± 1,99	>0,05

Коронар артерияларни стентлашдан сўнг, биринчи гуруҳ беморлари ОКТ текширувидан ўтдилар. Натижалар таҳлил қилинганда, 50 нафар бемордан 21 нафарида (42%) стентнинг “номақбул имплантацияси” борлиги аниқланган. Энг кўп стент мальпозицияси стентнинг проксимал қисмида – 12 ҳолатда (57,1%), артериянинг дистал ва проксимал диаметридаги фарқ туфайли; 5 ҳолатда (23,8%) – референс диаметр билан таққослаганда стентнинг етарли бўлмаган кенгайиши $\geq 30\%$; 3 ҳолатда (14,3%) – стент ячейкаси – катакчаси орқали атеросклеротик пиллакчанинг чиқиши; 1 ҳолатда (4,8%) тромб аниқланган.

3-жадвалда “номақбул имплантация” частотасини оширувчи омиллар кўрсатилган, мальпозиция >200 микрон хавф даражасини 3,48 марта, стент ячейкасидан пиллакчаларнинг чиқиши 1,2 марта, етарли бўлмаган кенгайиш 2,3 марта, ва 20% дан ошадиган қолдиқ стеноз эса деярли 2 баравар кўп марта хавф даражасини оширади.

Биринчи гуруҳдаги 21 нафар (42%) беморда стентнинг “номақбул имплантация” сабабларини бартараф этиш ва ТКА натижаларини оптималлаштириш учун стентларни постдилатациядан ўтказиш бажарилди. Назорат ОКТ-тадқиқоти давомида “номақбул имплантация” белгилари қайд этилмаган.

3-Жадвал

Стентнинг оптимал бўлмаган имплантациясининг хавф омиллари

Стентнинг “оптимал бўлмаган” имплантацияси сабаблари	Имкониятлар нисбати	Нисбий хавф	PPV	NPV	LR «+»	LR «-»
муҳим нотўғри позиция > 200 микрон	30,80	3,48	0,92	0,74	15,19	0,49
тромб мавжудлиги ва /ёки бляшканинг чиқиши	1,40	1,20	0,50	0,58	1,38	0,99
Стентнинг етарли бўлмаган кенгайиши $\geq 30\%$	8,75	2,30	0,83	0,64	6,90	0,79
қолдиқ стенози >20%	4,67	1,91	0,75	0,61	4,14	0,88

Эслатма: PPV – прогнозлаштириладиган ижобий қиймат, NPV – прогнозлаштириладиган салбий қиймат, LR «+» - ижобий еҳтимоллик нисбати, LR «-» - салбий еҳтимоллик нисбати.

Эндоваскуляр аралашув давомида иккала тадқиқот гуруҳининг барча беморларига 192 та дори билан қопланган стент имплантация қилинди. Биринчи гуруҳ беморларига 88 та дори қаватли стент (ДҚС) имплантация қилинди, шундан 65 та ДҚС бифуркацион стенозга ўрнатилди, 23 ДҚС АСС/АНА таснифига кўра А ва Б типдаги шикастланишлар мавжуд бўлган жойга имплантация қилинди. Иккинчи гуруҳдаги беморларга 104 та ДҚС имплантация қилинди, улардан 81 та ДҚС бифуркацион стенозга, 23 ДҚС АСС/АНА таснифига кўра А ва Б типдаги шикастланишлар мавжуд бўлган жойга имплантация қилинди.

Амалиёт давомийлиги бўйича, тадқиқот гуруҳлари статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилади, биринчи гуруҳда амалиёт ўртача $58,42 \pm 5,57$ дақиқа давом этган, иккинчи гуруҳда $39,46 \pm 9,78$ дақиқа ($p < 0,05$). Бироқ томир ичи тадқиқот усулларида фойдаланиш рентгеноскопия вақтига таъсир қилмади, биринчи гуруҳда рентгеноскопия вақти ўртача $18,43 \pm 3,45$ дақиқа, иккинчи гуруҳда эса $16,28 \pm 2,71$ дақиқа давом этди ($p > 0,05$). Шунингдек, тадқиқот гуруҳларида фойдаланилган контраст моддани сарфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмади, биринчи гуруҳда 250 ± 35 мл, иккинчи гуруҳда эса унга қарама-қарши 220 ± 25 мл фойдаланилган ($p > 0,05$).

Биринчи гуруҳ беморларининг касалхона босқичида, асосий салбий юрак ҳодисаларининг (АСЮХ) асосий нуқталари - ўлим, ўткир миокард инфаркти (ЎМИ), ўткир коронар синдром (ЎКС), мақсадли сегментда такрорий аралашувлар қайд этилмаган. Иккинчи гуруҳда битта беморда (1,85%) интраоперацион ЎКС ҳодисаси содир бўлди, бунинг сабаби «Mini-crush» методикаси бўйича бифуркацион стентлаш вақтида йирик ён шохнинг окклюзияси эди.

Операциядан кейинги эрта даврда иккала гуруҳдаги беморларнинг яшаб кетиш даражаси 100% ни ташкил қилади. Операциядан кейинги эрта даврда асосий гуруҳ беморларида АСЮХ кузатилмади. Иккинчи гуруҳда битта беморда (1,85%) эндоваскуляр аралашувдан 10 кун кейин ST сегменти элевацияси – кўтарилиши билан ЎКС қайд этилди, бемор касалхонага ётқизилди ва мақсадли сегментда ТКА такроран бажарилди.

Операциядан кейинги даврда стабил стенокардия ташҳиси қўйилган беморларда стенокардия белгиларининг йўқолишини баҳолаш учун 6 дақиқалик юриш тести ўтказилди. Биринчи гуруҳдаги стабил стенокардия ФК II, III ва IV ташҳиси қўйилган 42 беморнинг 39 нафарида (92,85%) стенокардия белгилари бутунлай йўқолди, иккинчи гуруҳда 43 нафар бемордан 40 нафарида (93%) стенокардия белгилари аниқланмади.

Операциядан кейинги даврда ЭКГ назоратида коронар қон айланишининг яхшиланиши қайд этилди. Биринчи гуруҳда 2 нафар (4%) беморнинг чап қоринча олд тўсиқ деворида, 1 нафар (2%) беморнинг чап қоринча орқа деворида коронар қон айланиш етишмовчилиги сақланиб қолди. Иккинчи гуруҳда 4 нафар (7,4%) беморнинг чап қоринча олд тўсиқ деворида, 3 нафар (5,5%) беморнинг чап қоринча ён томон деворида ва 1 нафар (1,85%) беморнинг чап қоринча орқа деворида коронар қон айланиш етишмовчилиги сақланиб қолди (4-жадвал).

4-Жадвал

Стентлашдан олдин ва кейинги ЭКГ натижалари

Коронар қон айланишининг бузилиши	Тери орқали коронар аралашувгача		Тери орқали коронар аралашувдан кейин	
	Биринчи гуруҳ (n=50)	Иккинчи гуруҳ (n=54)	Биринчи гуруҳ (n=50)	Иккинчи гуруҳ (n=54)
Чап қоринчанинг олд тўсиқ девори	21 (42%)	23 (42,6%)	2 (4%)	4 (7,4%)
Чап қоринчанинг ён томон девори	13 (26%)	18 (33,3%)	0 (0%)	3 (5,5%)
Чап қоринчанинг орқа девори	8 (16%)	6 (11,1%)	1 (2%)	1 (1,85%)

Эслатма: χ^2 белгининг қиймати 19.515, $p < 0.05$ ни ташкил этади. Олдин ва кейин гуруҳлар ўртасидаги статистик жиҳатдан муҳим фарқ аниқланди. Биринчи гуруҳ ва иккинчи гуруҳ ўртасида сезиларли фарқ йўқ.

Касалхонадан чиқишдан олдин барча беморлар назорат ЭхоКГдан ўтдилар, унда чап қоринча қисқарувчанлиги дастлабки маълумотлардан сезиларли даражада фарқ қилмади, биринчи гуруҳда стентлашдан олдин ва кейин ўртача $52,66 \pm 8,93\%$ ва $53,42 \pm 8,74\%$; иккинчи гуруҳда эса ўртача $54,20 \pm 8,19\%$ ва $54,85 \pm 8,54\%$ қийматни ташкил этди (5-жадвал). Амалга оширилган ТКА натижалари шуни кўрсатдики, барча беморлар стенокардия, миокард ишемияси белгиларининг йўқолиши ва ҳаёт тарзи сифатининг яхшиланиши туфайли уларнинг аҳволлари яхшиланганини қайд этишган, бу эса, албатта, бевосита клиник натижалар яхшилиги билан тасдиқланади.

5-Жадвал

